



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

B U Y R U G ‘ I

20 22 yil “ 27 ”декабрь

№ 334

Toshkent sh.

“Янги 2023 йил” байрамини муносиб кутиб олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тўғрисида

“Янги 2023 йил” байрамини муносиб кутиб олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигида 24 соат фаолият юритувчи марказий штаб (кейинги ўринларда – марказий штаб) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Республика тез тиббий ёрдам маркази, тиббий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, вазирлик тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларининг биринчи раҳбарларига:

2022 йилнинг 27 декабрь кунидан 2023 йил 4 январь кунига қадар, байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш кунлари аҳолига малакали тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш, фавқулодда ҳолатларда узлуксиз тез тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш мақсадида бош муассаса ва ташкилотлар қошида 24 соат фаолият олиб боровчи ҳудудий штаб ташкил этиш ва штабларда масъул ходимнинг навбатчилигини таъминлаш;

марказий штабга ҳудудий штаблардан **кундалик равишда соат 9:00га қадар** ахборот тақдим этиб бориш;

байрам тадбирлари ўтказиладиган жойларда заруратга кўра, зарур доридармон ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳамда малакали тиббиёт ходимларидан иборат тез тиббий ёрдам бригадалари навбатчилигини таъминлаш;

байрам кунлари шошилиш тиббий ёрдам кўрсатувчи республика, вилоят, шаҳар ва туман даволаш-профилактика муассасаларида заҳира ўринлар ҳамда 5 кундан кам бўлмаган муддатга мўлжалланган дори-дармонлар, қон ва қон ўрнини босувчи суюқликлар, боғлов воситалари заҳирасини шакллантириш;

муассасаларда ёнғинга қарши чора-тадбирларни кучайтириш;

муассаса ҳудудига бегона автомашиналар киритилишига чеклов қўйиш ҳамда хизмат автомашиналарини махсус текширувдан ўтказиб, киритилиши устида назорат ўрнатиш;

муассасаларда мавжуд генераторлар учун қўшимча ёқилғи заҳирасини шакллантириш;

ушбу буйруқ ижроси бўйича мунтазам мониторинг ўтказиш каби вазифалар топширилсин.

3. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев) ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари:

республика ҳудудига кириб келаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги устидан ўрнатилган тартибда Давлат санитария назоратини ташкил этсин;

аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланиш ҳолатларини олдини олиш бўйича санитария тарғибот тадбирларини кучайтирсин;

байрам тадбирлари ўтказиладиган жойларга Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бошқармаларининг малакали мутахассисларини бириктириш, ташкил этиладиган савдо ва умумий овқатланиш шаҳобчаларининг санитария ҳолати, ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтганлиги устидан белгиланган тартибда санитария назоратини ўрнатсин.

4. Ташкилий назорат бошқармаси (У. Турабов) ушбу буйруқни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, шунингдек барча тегишли муассаса ва ташкилотларга етказилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б.Юсупалиев зиммасига юклатилсин.

Вазир



Б. Мусаев